


Намоздаги дуо



09:17 / 17.03.2025 2426

Абу Солиҳ Зақвон розияллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг баъзи саҳобаларидан ривоят қилади:

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бир кишига: «Намозда қандай дуо қиласан?» деб сўрадилар. Ҳалиги киши: «Ташаҳҳуд ўқийман ва:

??????? ???? ?? ?????? ???? ???? ?

???? ???? ??????????

«Аллоҳумма инний ас` алукал жанната ва аъзуз бика минаннар»

(Эй Раббим, Сендан жаннатни сўрайман ва дўзахдан паноҳ тилайман), деб айтаман. Аммо сиз сўраганингиздек ва паноҳ тилаганингиздек ва Муоз сўраганидек гўзал қилолмайман», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Шунга яқин қилиб сўра», дедилар.

Абу Довуд ривояти.

Ҳар бир ўринда «Аллоҳумма инний ас` алукал ғафва вал ғафийаҳ.
Аллоҳумма инний ас` алукал ҳуда ваттуқо вал ғифафа вал ғина», деб
айтиш мустаҳаб амалдир.

(Маъноси: Эй Аллоҳим, Сендан афв ва офиятни сўрайман. Эй Аллоҳим,
Сендан ҳидоят, тақво, иффат ва бойликни сўрайман.)

***Имом Нававийнинг «Ал-Азкор» китобидан
Таржимон Анвар Аҳмад***